2025-yil
22-fevral
shanba
№24
(5088)

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

# Ўзбекистонда ЯИМ ҳажми салкам 115 000 000 000 долларга етди



Статистика агентлигининг маълум қилишича, 2024 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда **1 454,6 триллион** сўмни ташкил этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, бу ўртача алмашув курси бўйича **115 миллиард АҚШ долларига тенг.**

Ялпи ички маҳсулот ҳажми 2023 йил билан солиштирилганда 6,5 фоизга ўсган. Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми **39,1 миллион сўмни ташкил этган.**

# 8 МАРТ

## муносабати билан юртдошларимиз неча кун дам олишади?

**Ҳафтасига беш кун ишловчи юртдошларимиз 8 март – Хотин-қизлар байрами муносабати билан кетма-кет уч кун дам олишади. Бу Камбағаллик ва бандлик вазирлиги томонидан тасдиқланган 2025 йилги иш вақти тақвимида назарда тутилган.**

Меҳнат кодексида дам олиш куни ишланмайдиган байрам кунига тўғри келган тақдирда, дам олиш куни байрамдан кейинги иш кунига кўчирилиши белгиланган.

Бу йилги Халқаро хотин-қизлар куни шанбага тўғри келиши муносабати билан дам олиш куни 10 март, душанбага кўчирилади.

**Шу тариқа, ҳафтасига 5 кун ишлайдиганлар 3 кун дам оладилар:**

**– 8 март,** шанба – байрам;

**– 9 март,** якшанба – барча учун одатий дам олиш куни;

**– 10 март,** душанба – кўчирилган дам олиш куни.

Ҳафтасига **6 кун ишлайдиганлар учун** фақат шанба ва якшанба дам олиш куни бўлади, **10 март, яъни душанба иш куни** ҳисобланади.

**ФАКТ**

**РЕСПУБЛИКАДАГИ ЖАМИ 36 795 ТА БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИДАН, 20 ФЕВРАЛЬ КУНГИ МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА, 8 917 ТАСИДА (24,2 %) МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ (КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ) ЎТКАЗИЛДИ.**



# ЭНДИ УЛАР ФАҚАТ ҚЎЛ КЎТАРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САЙЛАНМАЙДИЛАР

**КАСАБА УЮШМА РАИСЛИГИГА НОМЗОДЛАР «ЧЕРТИБ-ЧЕРТИБ» ТАНЛАНМОҚДА**



**Бу йил касаба уюшмаларида сарҳисоб йили, яъни ғалвир сувдан кўтариладиган палла. Боиси, меҳнат жамоаларида касабақўмнинг ўтган 5 йиллик фаолияти таҳлил қилиниб, унга баҳо берилади.**

Олдинги йиллардагидан фарқли ўлароқ, бу йилги сайловлар муқобиллик асосида ўтказилмоқда. Авваллари касаба уюшма етакчилигига жамоадан бир нафар номзод кўрсатилар ва у ҳам очиқ овоз бериш йўли билан аниқланар эди. Бу усул истаймизми, йўқми, бироз ноқулайликларни келтириб чиқарарди. Жорий йилги сайловларда касаба уюшма раислигига кўрсатилган номзодлар яширин овоз бериш йўли билан ҳам аниқланиши чинакамига адолатли усул бўлди. Қолаверса, раисликка номзод битта эмас, бир нечта.

– Ҳисобот-сайлов йиғилиши бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолиятида муҳим воқеа бўлиб, ҳар беш йилда бўлиб ўтади. Унда амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, касаба уюшма ишига баҳо берилади, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раиси ўринбосари Аброржон Отабоев. – Бугунги кунда вилоятимизда 4 мингга яқин бошланғич касаба уюшма ташкилотлари бўлиб, 600 минг нафардан зиёд касаба уюшма аъзолари фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Хабарингиз бор, айни пайтда меҳнат жамоаларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари қизғин паллага кирган. Гувоҳи бўлиб боряпмизки, аъзолар касаба уюшма раислигига номзодни «чертиб-чертиб» танлашмоқда. Бу етакчиликка фақат муносиб номзодгина сайланишидан далолатдир.

Ҳақиқатан ҳам, ҳисобот-сайлов йиғилишлари анча жиддий равишда бўлиб ўтмоқда. Ҳисоботда келтирилган рақамлар аъзолар томонидан чуқур таҳлил қилинмоқда. Ҳеч бир аъзо шунчаки ҳисобот тинглаш учун келмагани амалда исботини топмоқда.

Фарғона шаҳридаги 6-мактабда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида касабақўмнинг беш йиллик фаолиятидан аъзолар қониқмаганини, ходимлар етарли даражада қўллаб-қувватланмаганини ва ҳимоя қилинмаганини очиқ-ойдин айтиб ўтишди. Шу боис жамоа касаба уюшма қўмитаси раислигига номзодлар орасидан Саидахон Шариповага ишонч билдиришди.

Отабек Муллабоев «Фарғона иссиқлик электр маркази»да касаба уюшма раиси сифатида беш йил фаолият кўрсатди. Бу давр ичида жамоадошлари меҳрини қозонди, қийин дамларда уларнинг кўмакчиси бўлди. Шунга кўра, жамоа уни яна етакчи қилиб сайлади.

– Айни пайтда ишхонамизда 700 нафардан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилади. Улар билан якдил бўлиб, кўп ютуқларга эришдик, – дейди Отабек Муллабоев. – Тўғриси, жамоадошларим ишончини оқлаганимдан мамнун бўлдим. Энди икки карра кўпроқ ишлашга ҳаракат қиламан.

«Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида яширин овоз бериш якунига кўра, Малик Муллажонов корхона касабақўми этиб сайланди. Чунки унда катта ҳаётий тажриба бор. Жамоадошлари аҳволини, ким қандай ишлашини, ким кўмакка муҳтожлигини яхши билади. Шунинг учун ҳам аъзолар Малик Муллажоновни ўзларининг суянчиғи ҳисоблашади. Конференцияда жамоадошлари унинг меҳнатларини алоҳида эътироф этиб, касаба уюшма қўмитасининг ўтган йилларда ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ишчи-ходимларни ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш каби ишларини ижобий баҳолашди.

Фарғона шаҳар Ободонлаштириш бошқармасида 1 минг 467 нафар ишчи-ходим фаолият юритади. Биласиз, бу ерда меҳнат қилаётган аксар ходимлар ишни ҳаммадан эрта бошлашади. Кўчаларни тоза ва озода қиладиган бу инсонлар чин маънода матонатли кишилардир.

Мунавварxон Умарова эса уларнинг ҳақиқий ҳимоячиси. Ўзи ҳам ҳамкасблари қатори ишни эрта бошлайди. Шу боис озодалик посбонларининг унга меҳри бўлакча. Етакчининг ҳисобот-сайлов конференциясидаги ҳисоботини тинглаб билдикки, чиндан ҳам, у аъзоларнинг жонкуярига айланибди.

Таъкидланганидек, 75 нафар ишчи касаба уюшмалари тизимидаги сиҳатгоҳларда имтиёзли равишда соғлиғини тиклаган, 217 нафари касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан Тошкент, Самарқанд, Хоразм вилоятларининг диққатга сазовор жойларига саёҳатга юборилган, 302 нафарига моддий ёрдамлар берилган, айримларининг 87 нафар фарзандлари ёзги мавсумда болалар оромгоҳларида дам олдирилган. Бундан ташқари, иш берувчи ва касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан маданий-маърифий ва спорт тадбирлари учун ҳам яхшигина маблағ ажратилган.

Яхшилик кўрган, касаба уюшма фаолиятидан рози бўлган тозалик посбонлари яширин овоз бериш йўли билан Мунавварxон Умаровани такроран касаба уюшма қўмитаси раиси этиб сайладилар.

Дарвоқе, кўрсатилаётган номзодлар ўз-ўзидан касаба уюшмаси раислигига сайланаётгани йўқ. Аъзолар етти ўлчаб, бир кесиб, ўзлари ишонч билдирган етакчига овоз бермоқдалар. Бу эса касабақўмликда фақатгина муносиблар фаолият кўрсатади, деганидир.



**Жамшид ЭРГАШЕВ**
*«ISHONCH»*

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган**

# 12-11

**қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га**

**мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.**



Дўсти йўқ билан сирлаш, дўсти кўп билан сийлаш.
Қайғусиздан узоқ қоч, қайғулига қучоқ оч.
Абай



2025-YIL 22-FEVRAL
SHANBA
№ 24 (5088)




# АСОСИЙ ЭЪТИБОР ХОДИМЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛДИ

**Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитасининг VI пленуми ўтказилди. Унда бирлашган қўмита раиси Манзурахон Акрамованинг 2024 йил якунлари ва 2025 йилги устувор йўналишлардан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда тафтиш комиссияси раиси Нозима Дадхаеванинг 2024 йилда касаба уюшма бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича ҳисоботлари тингланди.**

Асосий эътибор ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, саломатликларини мустаҳкамлаш, саёҳатлар уюштириш каби масалаларга қаратилган. Айниқса, ёрдамга муҳтож ходимлар доимо касаба уюшма ва маъмурият эътиборида бўлиб келган.

Шунингдек, уюшма томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, уларга яратилган қулай ва хавфсиз иш шароитлари, турли маданий-маърифий ва спорт тадбирларига кенг жалб этиш борасида қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, кўмакка муҳтож ходимларнинг фарзандларидан 150 нафарига мактаб ўқув қуроллари олиб берилди. Ёзги мавсумда тармоқ тизимида меҳнат қилаётган ходимларнинг 71 нафар фарзандлари ёзги болалар оромгоҳларида соғломлаштирилди. Йўлланмалар асосида 149 нафар ходим республикамиздаги турли сиҳатгоҳларда саломатликларини мустаҳкамлаб қайтди. 4 нафар ходим Самарқанд шаҳрига, 58 нафар ходим Тошкент шаҳрига, 76 нафар ходим эса Хива шаҳрига саёҳатга олиб борилди.

Ходимлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида мунтазам равишда шахмат, шашка, мини-футбол, югуриш мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Йиғилишда сўзга чиққанлар ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар. Улар томонидан билдирилган таклифлар инобатга олиниб, келгусида иш жараёнида қўллашга келишиб олинди.

Кун тартибидан ўрин олган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Жамшид АБДУВАҲОБОВ**

# ҲАҚИҚАТ ВА АДОЛАТ КЎПРИГИ

**Бошланғич ташкилот раиси бўлиш осон эмас. Унинг иши, энг аввало, меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, иш берувчилар билан ўзаро ишончли муносабат ўрнатишдир.**

– Бошланғич ташкилот раиси меҳнат муносабатларида иш берувчи ва ходим орасидаги кўприк вазифасини бажаради. Кўприк бўлганда ҳам ҳақиқат ва адолат кўпригидир, – дейди Олот тумани йўллардан фойдаланиш корхонаси касабақўм етакчиси Ойбек Раимов.

Ойбек Раимов шу туманда туғилган ва меҳнат фаолиятини 1999 йилда туман йўллардан фойдаланиш корхонасида 1-даражали йўл ишчиси сифатида бошлаган. 2002 йилдан касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси сифатида ишчилар манфаатларини ҳимоя қилишга ўз ҳиссасини қўша бошлади. 2019 йилда касаба уюшма қўмитаси раиси этиб сайланганидан сўнг ходимлар билан янада яқин муносабат ўрнатди. Фаолиятини ҳар томонлама ривожлантиришга, ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини астойдил ҳимоя қилишга интилди. Корхонада бир нечта муҳим спорт ва маданий тадбирлар ўтказиш анъанага айланди. Шу тариқа ишчиларнинг жисмоний ҳолати яхшиланиш баробарида жамоада ҳамжиҳатлик, дўстлик муҳити мустаҳкамланди. Китобхонлик маданиятини юксалтириш борасидаги ишлар ҳам кенг йўлга қўйилди. Натижада 2024 йилда вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси таркибидаги корхоналар ўртасида ўтказилган «Заковат» интеллектуал ўйинида ташкилот жамоаси фахрли ўринни эгаллади.

– Корхонамизда ишчи-ходимларнинг меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилган, – дейди О.Раимов. – Раҳбарият билан келишган ҳолда ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ўзаро касб танловлари ўтказиб бориш анъанаси ҳам шаклланган. Қолаверса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга мунтазам равишда ёрдам берилмоқда. 2024 йилда 3 нафар ходимнинг фарзандларига контракт тўловлари тўлаб берилди. Йил давомида киши бошига сарфланган маблағ ўртача беш миллион сўмни ташкил этди.

– Йўлчиларнинг меҳнати машаққатли. Айниқса, йўл қурилиши ва таъмирлаш ишлари қишнинг қаҳратонида ҳам, ёзнинг жазирама иссиғида ҳам давом эттирилганда, жамоанинг бир лаҳзалик дам олиши яхши мадад бўлади, – дейди касаба уюшма қўмитаси аъзоси Бекмурод Раҳмонов.

Чиндан ҳам, раҳбариятнинг қўллаб-кувватлови ҳамда касабақўмнинг ташаббускорлиги билан ишчиларга моддий ёрдам кўрсатиш, байрамларда совғалар тақдим этиш, оилавий шароитларини ўрганиб, муаммоларини ҳал этиш, саёҳатлар уюштириш каби ишлар ўз вақтида бекаму кўст адо этиб келинмоқда.

– Жамоамизда ҳисобот-сайлов йиғилишига катта тайёргарлик кўрилмоқда, – дейди касабақўм раиси. – Ҳар бир йўналиш бўйича 5 йил давомида бажарилган ишлар сарҳисоби мунтазам равишда юритилмоқда. Жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси ўтган беш йилда иш берувчига 22 марта тақдимнома киритган. Қайд этилган 72 та муаммодан 65 таси тўлиқ бартараф қилинди. Меҳнат муҳофазаси бўйича 17 та тадбир ўтказилгани ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва меҳнатини муҳофаза қилишни яхшилашга хизмат қилди. Жонкуярларимиздан 25 нафари қўшимча рағбатлантирилди.

Бундай ёндашув жамоада иш самарадорлиги ошишига хизмат қилмоқда. Шу боис, корхонада барқарор иш муҳити ҳукмрон.

**Дилдора ИБРОҲИМОВА**
*«ISHONCH»*

# ДАЪВО ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

**Эшитган борки, бу воқеадан титроққа тушди. Уч йил бурун онасидан ажраган уч ўғил энди отасиз қолганди. Айниқса, Ҳамза Ирисбоевни эрталаб ишга кетаётганини кўрган танишлари «Соппа-соғ эди-ку», дея ажабланишарди.**

Ҳолбуки, у 30 йилдан буён «Сирдарёсувтаъминот» АЖнинг Гулистон шаҳар бўлимида оқова сув тармоқлари ва тозалаш иншоотлари устаси сифатида меҳнат шартномаси асосида ишлаб келарди. Устанинг тўнғич ўғиллари мустақил ҳаёт йўлларига тушиб олишган, кенжаси Тошкент кимё-технология институтининг Янгиер филиали 3-курс талабаси эди.

Ҳамза Ирисбоев тармоқда рўй берган носозликни бартараф этиш чоғида рўй берган бахтсиз ҳодиса – сув оқиши оқибатида иш жойида вафот этди. Ҳолат юзасидан махсус текширишлар ўтказилиб, далолатнома расмийлаштирилди. Унга кўра, марҳумнинг олти йиллик ўртача ойлигидан кам бўлмаган миқдорда бир марта бериладиган нафақа ҳамда ойма-ой зарар пулларини белгиланган тартибда расмийлаштириш иш берувчи зиммасига юклатилди. Шунга қарамай, «Сирдарёсувтаъминот» АЖ бу масалага бефарқ қаради. Охир-оқибат марҳумнинг ўғли Муҳиддин Қувондиқов ёрдам сўраб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Кенгаш унинг манфаати учун Гулистон туманлараро судига даъво аризаси киритди. Суд иш материаллари билан танишиб чиқиб, ҳужжатларда тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо берди ва даъво аризасини қаноатлантирди. Жавобгардан М.Қувондиқов фойдасига жами 386 299 204 сўм ундириладиган бўлди.

**Баҳор ХОЛБЕКОВА**
*«ISHONCH»*

# КАСАБА УЮШМАЛАРИГА ИШОНЧ ОРТМОҚДА

**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ангрен шаҳар кенгаши ҳозир ўз сафига 88 та бошланғич ташкилотни бирлаштирган. Аъзолар сони 2025 йил 1 январь ҳолатига 9 минг нафарга яқинлашди.**

Касаба уюшма кенгаши раиси Бахтиёр Йўлдошев ўзининг билими, ташкилотчилиги, жонкуярлиги сабабли 2024 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан ўтказилган «Касаба билимдони» танловида фахрли 1-ўринни эгаллаб, вилоят бўйича энг кучли бешталик рўйхатига кирган.

Шаҳар кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар натижасида ходимларнинг касаба уюшмаларига бўлган ишончи ортиб бормоқда. Тизимдаги 88 та бошланғич ташкилот ҳамда 34 та нодавлат мактабгача таълим ташкилотида Жамоа шартномаси, шаҳар кенгаши ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими бўлими билан тармоқ келишуви тузилган бўлиб, ҳар йили феврал-март ойларида унинг ижроси бўйича йиғилишлар очиқ, шаффоф ва танқидий руҳда ўтказиб келинмоқда.

Бугун Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ангрен шаҳар кенгаши томонидан олиб борилган ишларга тўхталишни лозим топдик.

### КЎНГИЛЛИ САЁҲАТЛАР

Ўтган йили ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, юртимизнинг бой маданияти ва тарихий меросимиз билан яқиндан таништириш мақсадида «Халқлар дўстлиги» саройида бўлиб ўтган бир нечта концерт дастурлари учун чипталар олиб берилди.

Касаба уюшмалари тизимида туризмни ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бошланғич ташкилотлар ташаббуси ҳамда иш берувчилар билан ҳамкорликда 160 нафар ходим Самарқанд шаҳрига, 50 нафар ходим Жиззах вилоятига саёҳатларга юборилди. Шунингдек, 400 нафарга яқин ходим Тошкент шаҳридаги муқаддас қадамжолар ва музейларда, 50 нафар ходим Зангиота зиёратгоҳида бўлдилар.

### ХОДИМЛАР ҚАДРНИ ҲИС ҚИЛИШЛАРИ КЕРАК

Оғир маиший шароитларда яшаётган, боқувчисини йўқотган, ногиронларни парваришлаётган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳам кенгашнинг диққат марказида. Жумладан, ўтган йили 300 нафарга яқин ходимга моддий ёрдам кўрсатилди. Янги ўқув йили бошланиши арафасида ишлаб турган, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ходимларнинг 100 нафар фарзандига ўқув қуроллари тақдим этилди.

Ходимлар, уларнинг оила аъзолари саломатлигини тиклаш мақсадида йил давомида 200 нафардан зиёд ходимга турли сиҳатгоҳлар, дам олиш уйларига йўлланмалар берилди. Шунингдек, ходимларнинг 75 нафар фарзандлари ёзги оромгоҳларда дам олиш учун имтиёзли йўлланмаларга эга бўлдилар.

Пенсия ёшидаги шахсларга пенсияга чиқиш олдидан бир йўла моддий ёрдам бериш ва уларни эсдалик совғалари билан тақдирлаш мақсадида, ўтган даврда тармоқ муассасаларида ишлаётган 300 нафар юбилярга совғалар топширилди.

### СПОРТ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Касаба уюшмаси томонидан мунтазам ўтказиладиган спорт мусобақалари нафақат ходимларнинг соғлом бўлишлари, балки улар ўртасидаги ўзаро дўстликнинг мустаҳкамланишини ҳам таъминлайди. Жумладан, «Соғлом танда – сифатли таълим» шиори остида «Касаба уюшмаси кубоги» мусобақалари, спортнинг стол тенниси, шашка, шахмат, мини-футбол ва волейбол турлари бўйича секторлар кесимида тадбирлар ташкил этилди. Уларда жами 1200 нафардан ортиқ ходим иштирок этди. Ғолибларга эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар берилди.

### КЎРИК-ТАНЛОВЛАР ШАРОФАТИ

Кўрик-танловлар қатнашчилар ўз устида ишлашига, янги билимлар орттиришига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам Ангрен шаҳар кенгаши томонидан турли кўрик-танловлар мунтазам ташкил этиб келинади. Хусусан, 2024 йилда вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» танловида шаҳардаги 34-мактаб-интернат 3-ўринни эгаллади. «Электр энергияси ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича энг яхши бошланғич ташкилот» номли вилоят танловида эса, 26-мактабгача таълим ташкилоти ҳам худди шундай эҳтиромга лойиқ кўрилди.

Бунгача ҳам, 2019 йилда «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида фаол иштирок этган Ангрен шаҳридаги 17-мактаб вилоятда биринчи ўринни эгаллаган ва республикада номинация ғолиби бўлишга эришган эди. 31-давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳам вилоят танловида 1-ўринга муносиб деб топилди. 2021 йилда Ангрен шаҳар 38-мактабгача таълим ташкилоти, республикада «Энг намунали таянч бошланғич ташкилоти» номинацияси ғолиби бўлишга эришган. 2023 йилда эса, Ангрен шаҳар 26-давлат мактабгача таълим ташкилоти республикада «Энг намунали таянч бошланғич ташкилоти» номинацияси ғолиби деб эътироф этилган.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ангрен шаҳар кенгаши томонидан шу йилнинг март ойида «Беш ташаббус» доирасида мактаб ходимлари ўртасида турли спорт тадбирлари, «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови, Меҳнат муҳофазаси бўйича танлов, апрель ойида эса ходимлар учун Хоразм ва Зоминга саёҳат уюштириш режалаштирилган.



**Холида ЭГАМБЕРДИЕВА**
*ISHONCH»*




# Афғонистон:

**Жаҳон сиёсати кун тартибидан АҚШ, Европа, Украина, Россияда рўй бераётган воқелар тушмай қолган бир пайтда БМТнинг санкцияларни кузатиш ва таҳлил қилиш гуруҳи бутун дунёда, шу жумладан, Афғонистонда террорчилик хавфи билан боғлиқ вазият ҳақидаги ҳисоботни тақдим қилди.**
**Унга кўра, бугунги кунда дунёнинг кўплаб минтақаларида террорчилик хавфи ортиб боряпти. Айниқса, ИШИД ҳамда «Ал-Қоида» мавқеи Афғонистон ҳам тобора мустаҳкамланяпти. Бироқ Афғонистон ҳукумати ушбу айбловларни тўлиқ рад этиб, БМТ ҳисоботини сиёсий босим ўтказишга навбатдаги уриниш сифатида баҳоламоқда.**

Ҳисоботга кўра, энг катта хавф «Ал-Қоида»га алоқадор гуруҳлар ва кейинги йилларда заифлашган, аммо фаоллигини йўқотмаган ИШИДдан келмоқда. Турли экстремист гуруҳларга бошпана бермасликни ваъда қилган Толибоннинг «Ал-Қоида» билан алоқаси узилмаган. Ўтган йилнинг охирига келиб, Афғонистон ҳудудида 20 дан ортиқ террорчилик гуруҳи фаолият юритган. Мутахассисларнинг фикрича, Афғонистон ҳукумати айрим экстремистик гуруҳларга бошпана, ҳарбий тайёргарлик лагерлари ва ҳатто моддий ёрдам тақдим этяпти. Бундай қўллаб-қувватланаётган гуруҳлар, асосан, Афғонистон ташқарисида шаклланган экстремистик тузилмалар бор.

Шуларни инобатга олсак, тахминларда ҳақиқат бордек. Чунки Толибон ҳам «Ал-Қоида» ва ИШИД сингари сунний Исломнинг муросасиз талқинини қабул қилган. Ҳар учала гуруҳ ижтимоий ва сиёсий ҳаётни диний ҳаётдан ажратиб бўлмайди, деган фикрда. Улар иймон йўлида зўрлик ишлатишни оқлайди.

Ушбу муштарак жиҳатга қарамай, Толибон, «Ал-Қоида» ва ИШИД ўз мақсадларидан келиб чиқиб, турли даражадаги экстремизмни намоён қилади. Толибон Афғонистон ҳудуди билан чекланишини айтса, «Ал-Қоида» ва ИШИДнинг глобал амбициялари бор ва улар анча радикалроқ.

Толибон «Афғонистонда идеаллаштирилган мусулмон ўтмишини тиклашни мақсад қилган» бўлса ҳам, бошқа мамлакатларни ўзгартиришга уринмайди.

Хўш, БМТ ҳисоботида таъкидланганидек, Афғонистон ҳақиқатан ҳам, халқаро терроризм таянчига айланяптими?

БМТнинг санкцияларни кузатиш ва таҳлил қилиш гуруҳи маълумотларига кўра, Афғонистонда радикал гуруҳлар таъсири ўсишда давом этяпти. Айниқса, Марказий Осиё билан чегарадош шимолий вилоятларда ИШИД жангарилари ўз мавқеини мустаҳкамлаб, жангариларни ўз сафига фаол ёллаяпти.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу вазият бир қатор таҳдидларни юзага келтиради. Аввамамбор,



## Сўранг, жавоб берамиз

## ИЖОДИЙ ТАЪТИЛНИНГ МУДДАТИ БОРМИ?

**САВОЛ:** *Танишим мутахассислиги бўйича ишлаб, университетда педагог сифатида дарс ҳам беради. Айни вақтда илмий даража олиш мақсадида диссертация ёзяпти. У илмий ишларини бажариши учун қанча вақтгача таътил олиши мумкин?*

**Нодира РАЖАБОВА**

*Самарқанд шаҳри*

**ЖАВОБ:** Меҳнат кодексининг 387-моддасида ходимга ижодий таътиллар бериш кўзда тутилган. Унга кўра, меҳнат фаолиятини ёки педагогик фаолиятни илмий иш билан бирга олиб бораётган шахсларга асосий иш жойида ўртача иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда муайян муддатларга ижодий таътиллар берилади.

Хусусан, фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD) илмий даражасини олишга доир диссертацияни якунлаш учун ҳамда дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар қўлёзмаларининг муаллифларига – уч ойгача, фан доктори (Doctor of Science (DSc) илмий даражасини олишга доир докторлик диссертацияни якунлаш учун – олти ойгача ижодий таътил берилиши мумкин.

Шунингдек, муаллифлар жамоалари томонидан дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни ёзиш чоғида муаллифлар жамоаси аъзоларидан бирига муаллифлар гуруҳининг барча аъзолари имзолаган ёзма аризага мувофиқ ижодий таътил берилади.

Муаллифлар таътилни ўзаро тақсимлашга ҳам ҳақли.

Илмий даража олишга даъвогарларга, шунингдек, дарсликлар ёки ўқув-услубий қўлланмалар муаллифларига навбатдаги йиллик меҳнат таътиллари улар ижодий таътиллардан фойдаланганлигидан қатъи назар берилади.

Ижодий таътиллар бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**



# «IT» МАЪҚУЛМИ ЁКИ «AT»?

**Луғатимизга «IT» деган сўз кириб келганига у қадар кўп бўлмади. Аммо шу қисқа вақт ичида у тобора янги-янги иборалар билан бойиб боряпти. «IT таълим», «IT истеъдод», «IT шаҳарча», «IT технология», «IT Park» кабилар шулар жумласидан**

Бугунги кунда ҳаётимизни «IT»сиз тасаввур этиш қийин. Қаерга қараманг, шу атамага кўзингиз тушади. Ҳамма жойни «IT» босиб кетди. Йиқилсангиз ҳам, қоқилсангиз ҳам, «IT»нинг устига қулайсиз.

Аслида бу ибора инглиз тилида «Information technology», русчада «Информационные технологии» тарзида талқин қилинади. Ўзбекча таржимаси эса «Ахборот технологиялари» бўлади.

Хўш, унда нима учун бу иборанинг ўзбекча вариантини қўлламаяпмиз? «IT» дейишга бирон-бир жўяли сабаб борми? Шуни, масалан, «AT» деб атаса бўлмайдими?

Агар шу сўзнинг лотин алифбосида ёзилган вариантини тўғридан-тўғри ўқисак, ит деган сўз келиб чиқади. Ёзилиши «IT», ўқилиши «айти» бўлган бу сўзнинг маъносини ҳамма ҳам бирдек англайвермаса керак. Айниқса, катта авлод вакиллари уни тўғридан-тўғри «IT» деб талқин қилишади ва кўз олдиларига шу ҳайвонни келтириши мумкин. Бу эса жуда хунук ҳолат.

Фикримизни адабиётшунос Қозоқбой Йўлдош ҳам тасдиқлади. Ахборот технологиялари мутахассислари ҳам шу фикрда.

*Хусусан, Қозоқбой Йўлдошнинг айтишича, четдан кириб келаётган номларни амалиётга татбиқ этишда миллатимизнинг ўзига хослигини, менталитетимиз ва одобимизга нечоғлиқ тўғри келиш-келмаслигини ҳисобга олишимиз, маъно-мазмунидан келиб чиқиб, ўзлаштиришимиз жоиз. Чунки хорижий тилдаги сўзни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш керак деган қатъий қоида ва шарт йўқ. Биз бунга мажбур ҳам эмасмиз. «IT»ни «Айти» деб талаффуз қиларканмиз, нима учун сўзда ҳам «Айти» деб ёзмаслигимиз керак? Нега масалага ҳамма тушунадиган тилда ёндашмаймиз? Шундай қилсак, бизни биров койийдими? Ёки бу билан «IT»чиларни камситган бўламизми? Мана, масалан, дунёга машҳур «KFC» номли емакни ўзбекчада «Кей-эф-си» деб талқин қиляпмиз, бундан ҳеч ким норози бўлаётгани йўқ. Аксинча, ҳамма тушуниб, ўша емакхонага интилиб ётибди.*

Ҳақиқатан ҳам, устознинг куюнганича бор. Умуман, бошқа давлатлар атамаларни ўз тили ва луғатидан келиб чиққан ҳолда, яъни инглизлар инглизча, руслар русча талқин қилишади. Улар ҳар қандай ҳолатда ва ҳеч қачон ўзлигидан воз кечишмайди. Биз эса бошқа жабҳаларда бўлгани сингари тил масаласида ҳам жуда «бағрикенгмиз».

Айримлар айтиши мумкин, «Бу жуда майда масала, бошқа муаммо йўқми? Уни шундай атасак-атамасак бирон нарса ўзгарармиди?» деб. Аммо унутмаслик керакки, катта автофалокатга битта кичкинагина мурват ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Бу ҳаётда ўз исботини топган ҳақиқат. Қолаверса, тил ҳеч қачон майда масала саналмаслиги лозим. Боиси, миллатнинг эртанги куни айнан тилнинг яшаш-яшамаслиги билан чамбарчас боғлиқ. Демак, «IT»нинг ўзбекча талқини ҳақида жиддий ўйлаб кўриш лозим.



**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ**
*«ISHONCH»*

# БУХОРОДАГИ ИЛК АЁЛЛАР КАСАЛХОНАСИ

## Қачон ва ким томонидан қурилган эди?



1997 йил баҳорида вилоят кўз касалликлари шифохонасида даволанганман. У кезларда мазкур шифохона эски шаҳарнинг Ҳавзи Қози Калон кўчасидаги кўҳна бир иншоотда жойлашганди. Бинога шимол томондан йўналсангиз, бироз баландликда қад кўтарганига амин бўласиз. Унча баланд бўлмаган девор ичкарисидаги бинолар архитектураси эътиборимни тортганди.

«Николаевский» ғиштлари ишлатилган бу иншоотни большевиклар даврида руслар маблағига қурилган, дейишарди. Кейин билсам, бу гаплар нотўғри экан.

Каминани қизиқтирган бино тўғрисида манбаа топиш осон бўлмади. Шарқшунос олим, тарихчи Лазарь Ремпелнинг «Узоқ ва яқин: кўҳна Бухоронинг маиший ҳаёти, бунёдкорлиги, ҳунармандчилиги ва санъати саҳифалари» китобидан айрим маълумотларни топдик.

XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб ҳукумат шаҳар ичи ва ташқарисида Европа ҳамда шарқона услубларни уйғун қилган замонавий иншоотлар қурилишига эътибор қарата бошлайди.

Шаҳристондан унча узоқ бўлмаган Қатағон гузарида аёллар учун шифохона қурилиши амир Абдулаҳад ҳукмронлигининг илк йилларида амалга оширилган. Бу қурилишларни «Подшолик имморати учун» комиссияси назорат қилган.

Унинг таркибига тажрибали рус муҳандислари – Сакович ва Маргулис, моҳир усталар – Ҳожи Абдураҳим, Абдуғафур Қоровулбеги, шунингдек, Қушбегининг расмий вакили Мирзо Исомиддин қоровулбеги киритилган. Юқори Қушбеги топшириғи асосида қурилиш харажатларини Қуйи Қушбеги қоплаган. Шаҳар ичидаги қурилишларга Ҳусайн Девонбеги, ташқарисидаги ишларга Латиф Девонбеги бошчилик қилган (улар кейинчалик амир Олимхон даврида ҳам бир қатор қурилиш лойиҳаларида иштирок этган). Россиядан келган йирик саноат магнатлари ҳам Туркистон ўлкасидан, жумладан, Бухородан ер сотиб олиб, ўз маблағлари ҳисобидан бу ерда кўчмас мулк иншоотларини тиклаганлар.

Шаҳар ичида бошланган ҳар бир замонавий иншоот қурилишига шу соҳадан яхшигина хабардор бўлган қоровулбеги ёки мирохурлар масъул этилган. Қурилиш материаллари таъминоти билан Абдукарим «Тахта» номи билан машҳур ишбилармон киши шуғулланган. Унинг идораси Саррофлар тими (Тоқи Саррофон) да, омбори эса Арслонхон минораси яқинида бўлган. Савдогар буёқларни Ҳиндистон, Эрон, Москва, Варшава, Рум каби давлатлар ва шаҳарлардан буюртма қилар, уларни ўзи олиб келарди. Эшик-деразалар, тахта ва шишалар Россиянинг турли шаҳарларидан, қандиллар Варшава, Берлин, Финляндиядан келтириларди.

Аёллар шифохонаси қурилишига сарбозлар ва деҳқонлар ёлланган. Рус муҳандислари кўрсатмалар бериб, уларнинг ишларини назорат қилиб боришган. Аёллар касалхонасини таъмирлаш ишлари давлат ғазнаси ҳисобидан амалга оширилган.

Шифохонада рус миллатига мансуб аёл шифокор ишлаган, маҳаллий аҳоли уни (русча «докторша» сўзидан) Духтуршоҳ деб чақирган. Бу ерда таржимон сифатида татар аёллари ҳам хизмат қилган.

Бухоро амирлиги қулаганидан сўнг кўчмас мулклар тортиб олинади. Эгалари қатағон қилинади. Иншоотларнинг баъзилари қамоқхона, отхона, дон-дун ва қурол сақлаш омборларига айлантирилган бўлса, айримлари турли баҳоналар билан бузиб ташланган. Аёллар касалхонаси ҳам бир муддат қамоқхона вазифасини ўтаган бўлиши мумкин.

Афсуски, бу ҳақда батафсил маълумотга эга эмасмиз. Фақат RusRav.uz сайтида «30-йиллардан кейин бу шифохона юқумли касалликлар касалхонасига айлантирилди» деган қисқача маълумот келтирилади. Кейинчалик бу ерда кўз касалликлари шифохонаси, наркология диспансери ҳамда ОИТС марказлари фаолият юритган. 2020 йилга келиб собиқ аёллар касалхонаси хусусий меҳмонхонага айлантирилган.



**Ҳамзабек ТУРДИЕВ,**
*журналист*

# ТЕРРОР ЎЧОҚЛАРИ УЙҒОНЯПТИМИ?

ИШИД тармоғининг кенгайиши бевосита Марказий Осиё давлатлари учун жиддий хавф эканини унутмаслик керак. Террорчиларнинг молиявий мустақиллиги ортиб, криптовалюта, контрабанда ва ноқонуний солиқ йиғиш орқали даромад топиш тизими вақт ўтган сари такомиллашиб бормоқда. Қолаверса, Толибон ҳамда «Ал-Қоида» алоқалари ҳамон сақланиб қолмоқда. Бу эса Кобул расмийларининг терроризмга қарши кураш борасидаги баёнотларини шубҳа остида қолдирмоқда.

Шунингдек, мамлакатда Таҳрики Толибон Покистон жангарилари фаоллашган. Улар Афғонистон ҳудудида туриб, Покистонда амалга оширилаётган ҳужумларни бошқармоқда.

Агар бу жараёнларга барҳам берилмаса, минтақа беқарорлиги келгуси йилларда энг жиддий хавфлардан бирига айланиши мумкин.

Афғонистон ҳукумати БМТ айбловларини қатъий рад этяпти. Афғонистон Ислом Амирлиги матбуот котиби Забиҳуллоҳ Мужоҳид ҳисоботни «сиёсий қадам» дея атаб, Кобул ҳеч қандай террорчилик ташкилотларига бошпана бермаётганини таъкидлади.

Шу билан бирга, «Толибон» музокараларга очиқ эканини кўрсатмоқда. Афғонистон мудофаа вазири Муҳаммад Яъқуб мамлакат агар миллий манфаат ва ислом тамойилларига зид бўлмаса, дунё билан ҳар қандай ҳамкорликка тайёрлигини айтди. Бироқ халқаро ҳамжамият бундай баёнотларга ҳануз шубҳа билан қараяпти. Чунки Афғонистон ҳукуматининг радикал гуруҳларга нисбатан сиёсати жиддий баҳс мавзуси бўлиб қолмоқда.

Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, Афғонистондаги вазият нафақат мамлакат ичидаги, балки халқаро манфаатлар мувозанатида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Биринчидан, Афғонистондаги беқарорлик қўшни давлатлар ўз чегараларини мустаҳкамлашга ва ҳарбий салоҳиятини оширишга мажбур қилиши турган гап.

Иккинчидан, Москва ва Теҳрон Афғонистондаги вазиятни ҳамиша ҳушёрлик билан кузатиб боради. Чунки Россия ҳамда Эрон учун Афғонистондаги барқарорлик стратегик хавфсизлик масаласи билан чамбарчас боғлиқ. Москва Марказий Осиёдаги иттифоқчиларини ҳимоялаш чораларини кучайтириш тарафдори, Теҳрон эса ўз чегаралари яқинида террорчилар фаоллашувидан хавотирда.

АҚШ ўз ҳарбий кучларини олиб чиқиб кетганига қарамай, Афғонистондаги вазиятни диққат билан кузатмоқда ва зарур ҳолларда террорчилик ўчоқлари билан курашиш сиёсатини тиклаши мумкин.

Қолаверса, иқтисодий инқироз радикаллашув омилларидан бирига айланмоқда. Толибон ҳукумати мамлакатда кўкнори етиштиришни тақиқлагани боис маҳаллий деҳқонлар мўмай даромаддан маҳрум бўлди. Бу эса иқтисодий вазиятни янада ёмонлаштириб, экстремизм учун қулай муҳит яратмоқда.

Терроризм таҳдиди, халқаро ҳамжамият ишончсизлиги, ички беқарорлик сабаб Афғонистон дунё хавфсизлик харитасидаги энг мураккаб нуқталардан бири бўлиб қолмоқда.

Толибон жаҳон ҳамжамиятини Афғонистондаги вазият назорат остида эканига ишонтира оладими? Ёки мамлакат ҳақиқатан ҳам экстремизм ўчоғига айланиб боряптими?

Бу саволга жавоб топиш нафақат мураккаб, балки жаҳон хавфсизлиги учун жуда муҳим. Афғонистондаги воқеалар минтақавий ва глобал барқарорликка таъсир этувчи асосий омиллардан бирига айланмоқда. Агар халқаро ҳамжамият бу жараёнларга ўз вақтида ва қатъий муносабат билдирмаса, терроризмнинг янги тўлқини бутун дунёга таҳдид солиши мумкин.

Ҳозирги воқеалардан бир нарса аниқ: Афғонистондаги вазият шунчаки ҳудудий муаммо эмас. Бу – халқаро сиёсат, хавфсизлик ва манфаатлар тўқнашуви марказида турган ўчоқ. Толибон расмий баёнотлар билан дунё ҳамжамиятини ишонтиришга уринмоқда, бироқ уларнинг аслида қандай йўл тутиши ҳамон баҳсли масала. Агар терроризмга қарши кураш сўзда қолиб, амалий чоралар кўрилмаса, минтақа яна қуролли низолар гирдобида қолиши мумкин.

Дунё янги террорчилик тўлқинининг олдини олишга тайёрми? Ёки Афғонистоннинг яқин ўтмиши унутилиб, унинг муаммолари бутун инсоният учун яна таҳдидга айланадими?

**Бунинг жавоби жаҳон сиёсати қандай шаклланиши ва халқаро ҳамжамият қанчалик қатъият кўрсатишига боғлиқ. Афғонистон тақдири фақат унинг ҳукумати эмас, балки бутун дунё ҳамжамияти масъулиятига айланмоқда. Агар бу масала унутилса, яқин келажакда терроризм жуғрофияси янада кенгайиши муқаррар.**



**Жаҳонгир НАҲАНОВ**
*«ISHONCH»*

ЭЪЛОНЛАР

Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

«ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI» МЧЖ
очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

**«ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI» МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига, «Чилонзор буюм савдо комплекси» АЖнинг 2025 йил 4 февралдаги 26-сонли буюртманомасига асосан, «Чилонзор буюм савдо комплекси» АЖ ҳудудида жойлашган қуйидаги савдо шахобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

| № | Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари | Бошланғич баҳоси сўмда |
|---|---|---|
| 1 | **45/15** сонли, умумий майдони 13,**30м²** бўлган савдо шохобчаси. | **212 800 000** |
| 2 | **45/27** сонли, умумий майдони 8,**00м²** бўлган савдо шохобчаси. | **128 000 000** |
| 3 | **45/28** сонли, умумий майдони 8,**00м²** бўлган савдо шохобчаси. | **128 000 000** |
| 4 | **18-3-4** сонли, умумий майдони 10,**00м²** бўлган савдо шохобчаси. | **50 000 000** |
| 5 | **12-21-2** сонли, умумий майдони 9,**00м²** бўлган савдо шохобчаси. | **144 000 000** |
| 6 | **12-21-3** сонли, умумий майдони 9,**00м²** бўлган савдо шохобчаси. | **144 000 000** |
| 7 | **12-21-21** сонли, умумий майдони 7,**00м²** бўлган савдо шохобчаси. | **144 000 000** |
| 8 | **12-21-22** сонли, умумий майдони 9,**00м²** бўлган савдо шохобчаси. | **144 000 000** |
| 9 | **12-21-24** сонли, умумий майдони 9,**00м²** бўлган савдо шохобчаси. | **144 000 000** |
| 10 | **12-21-25** сонли, умумий майдони 9,**00м²** бўлган савдо шохобчаси. | **144 000 000** |
| 11 | **12-21-4а** сонли, умумий майдони 9,**00м²** бўлган савдо шохобчаси. | **144 000 000** |
| 12 | **41-1-81** сонли, умумий майдони 28,**00м²** бўлган савдо шохобчаси. | **92 400 000** |
| 13 | **37-7А** сонли, умумий майдони 25,**00м²** бўлган савдо шохобчаси. | **150 000 000** |
| 14 | **45/23А** сонли, умумий майдони 11,**00м²** бўлган савдо шохобчаси. | **176 000 000** |
| 15 | **45/23Б** сонли, умумий майдони 11,**00м²** бўлган савдо шохобчаси. | **176 000 000** |

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилиш 2025 йил 17 март куни соат 16:00 да тўхтатилади.

**Талабгорларнинг таклифлари 2025 йил 19 март куни соат 11:00 дан** бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2025 йил 1, 15, 29 апрель ва 13, 27 май, 10, 25 июнь кунлари сотилгунга қадар соат 11:00 да ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертга солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

– жисмоний шахслар учун СТИР ва паспортнинг нусхаси.

– Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида **«ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI»** МЧЖнинг ХАТБ «DAVR BANK» Олмазор филиалидаги х/р: 20208000905740427002, МФО: 01121, СТИР: 311 041 441 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

– Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк куни ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13А-уй. Телефон: (71) 237-23-82.

**Хизматлар лицензияланган.**

«KAFOLAT SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ Тошкент вилояти филиалига тегишли қатъий ҳисобот шаклидаги Форма-13 № 620116; 620278; 620288; 740013; 740019; 740020. Форма-7 № 1314213; 1314214; 1314215; 1314223; 1579412. Форма-АА № 61641; 61644. Форма-GB № 65302; 65361; 65366; 65371. Форма-KFT № 14124; 62601.Форма-А-4 № 171478; 392074; 392160; 392231; 492490. Форма А-5 с № 108029 по 108059.Форма-БЮ № 71317; 117890, полюс КХТ 14121-14124, 62600, 62601-рақамли бланкалар йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган «EXSON STROY SERVICE» масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Кимнинг қўлида қуйидаги беш нарсанинг жилови бўлса, яхши ҳаётининг гарови бўлур: биринчиси – тансиҳатлик, иккинчиси – омонлик, учинчиси – ризқининг мўллиги, тўртинчиси – содиқ дўст ва бешинчиси – фароғат.

Абдураҳмон Жомий





Тақдимот

# «Тилда, фикрда, ишда бирлик»







**«Жадид» газетаси улуғ аждодларимизнинг, эркин ва озод, ҳур ва тараққий этган Туркистон орзусида яшаб, ижод қилиб, курашиб ўтган жадид боболаримизнинг ғоя ва дастурларини атрофлича ёритиш, бу улуғ меросни бутун халқимиз, айниқса, ёшларнинг онг-шуурига, қалбига етказишда ўзига хос минбар вазифасини ўтаб келмоқда. Қисқа вақт ичида газета мамлакатимиз ва миллатимиз тарихига ҳамда истиқболига бефарқ бўлмаган олимлар ва шоирлар, тарихчилар, маърифатчиларнинг фикрлашув ва мунозара майдонига айланиб улгурди. Теран мулоҳаза ва таҳлилга асосланган мақолалар газета ўқувчиларининг эътибори ва эътирофига сазовор бўлмоқда.**

Нашр саҳифаларида ўтган бир йил давомида чоп этилган энг сара мақола, эссе ва бошқа публицистик асарлар жамланган «Тилда, фикрда, ишда бирлик» номли тўпламнинг тақдимот маросимида сўз олган Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров, академик Абдулла Аъзам, шоира Шарифа Салимова, Абдулла Авлонийнинг набираси, кимё фанлари номзоди Жамшид Авлоний ва бошқалар шу ҳақда гапиришди. Бундан ташқари, келгусида тўпламни «Жадиднома» номи остида мунтазам нашр этиб бориш, қийин ва оғир дамларда жадид боболаримизнинг ёнида турган аёллар – оналари, турмуш ўртоқлари, опа-сингиллари ҳақида ҳам мақолалар эълон қилиш борасида таклифлар билдиришди.

Тадбир давомида 2024 йилда газета билан доимий равишда ижодий ҳамкорлик қилган ва чоп этилган мақолалари таҳририят томонидан ижтимоий тармоқлар орқали ўтказилган сўровномада энг кўп овоз тўплаган бир гуруҳ ижодкорлар «Муштарийлар эътирофи» танлови ғолиби сифатида тақдирландилар.



Дармон **ИБРОҲИМОВ**
*«ISHONCH»*



Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган сурат

# Айдаркўл бўйларида

### КЎҲНА ГЎШАЛАР ЗАҲМАТКАШЛАРИ

Кўҳна Нурота шаҳридан 30 чақиримча нарида Қўшқудуқ овули бор. Йўлдан тўғри юришда давом этсангиз, Қизилқумнинг кўҳна ҳудудлари – Боймурод ва Ўтемурод овулларига етиб борасиз. 1969 йилнинг даҳшатли қишида ҳайдовчилар қалин қор қоплаган ва музлаган йўллардан оғир юк машиналари ва зирҳли ҳарбий техника (БТР)-ларда қатнаб, чўпон-чўлиқларга озиқ-овқатлар ташишган, уларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиб туришган.

Бугун биз юраётган йўл қадимда карвон йўли ҳам саналган. Ҳар хил юклар ортилган туялар Нурота шаҳрига кириб борган. Қизилқум овулларига ва Қозоғистон томонларга отланган карвонлар бошқарувчилари Боймурод ва Ўтемурод қудуқлари ён-атрофида тўхтаб, дам олишган. Сўнгра Томди орқали ўзлари кўзлаган манзил сари шошилишган.

Биз ҳозир Қўшқудуқ овулидан ўнгга бурилиб, Темирқовуқ қишлоғига кетяпмиз. Бундан анча йил аввал бу ерда кичик геологик қазишма ишлари олиб борилган ва келгусида катта заҳирага эга завод қурилиши мўлжалланганди. Ўша режа амалга ошди. Узоқдан кўриниб турган Пистали кони Қоратоғ этакларида жойлашган Айдаркўл бўйларида яшовчи одамлар ҳаётида катта бурилиш ясади. 2023 йил бошида фойдаланишга топширилган коннинг ишлаб чиқариш кўлами тобора кенгайиб, у улкан саноат майдонига айланди. Мажмуа таркибида 6-гидрометаллургия заводи, кон ускуналарини таъмирлаш цехи, автосарой, Ишчилар шаҳарчаси ва яна бир нечта объект барпо этилди. Уларда ишлашга Айдаркўл бўйларидаги Қизилча, Тинчлик ва Темирқовуқ қишлоқларида истиқомат қилувчилар жалб этилди. Бу уларнинг турмуши анча фаровонлашишига туртки бўлди.

Қизилчада ҳам аҳоли сони ўсибди. Шунга мувофиқ, янги мактаб, маҳалла йиғини бинолари қурилибди. Қолаверса, тадбиркорлик шохобчалари кўпайиб, қишлоққа саноат кириб келгани яққол сезила бошлабди. Аксарият хонадонларда замонавий автоуловлар мавжуд. Демак, қишлоқ аҳли давр билан ҳамнафас бўлиб яшаяпти.

Қадимий манбаларда Темирқобиқ, яъни темир қопқа дейилган атама маҳаллий аҳоли шевасида Темирқовуққа айланиб кетган.

– Одамларимиз бугунги кунда турли соҳаларда ишлашади. Лекин ота-боболаримиз азал-азалдан чорвачилик билан шуғулланишган, – дейди «Нурота – Қоракўл наслчилик» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳазрат Қурбонов. – Ҳозир ҳам кўплаб ҳамқишлоқларимиз шу касб этагидан маҳкам тутишган. Масалан, Шаҳло Зиётова 17 йиллик тажрибага эга чўпон ҳисобланади. Соҳадаги фидокорона меҳнатлари эвазига «Шуҳрат» медали билан тақдирланган. Турмуш ўртоғи Ўролбой эса тажрибали зоотехник. Бундай илиқ фикрларни Шоҳиста ва Отабек Тўйчиевлар, Чорикул Гулмуродов, Нуржов Амирхонов, Эргаш Ўтепов, Ўринбой Шакаров, Ҳасан Умаров ва бошқа чўпонларимиз ҳақида ҳам билдириш мумкин. Улар қишнинг бугунги қаҳратонида ҳам барча машаққатларга дош бериб, самарали меҳнат қилишяпти.

**Бугунги кунда Темирқовуқ бинойидеккина шаҳарни эслатади. Ундаги замонавий оилавий поликлиника шаҳардагидан асло қолишмайди. 100 ишчи ўринли тикувчилик корхонаси, янги замонавий савдо мажмуалари, ошхоналар мунтазам ишлаб турибди. Нурота ва вилоят маркази Навоий шаҳрига кеча-кундуз автоуловлар тайёр. Яна денг, дунёнинг ривожланган мамлакатларидан туристлар оқиб келяпти. Бизнингча, бу кунларнинг қадрига етмоқ керак.**

### АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Тумандаги «Қизилча», «Нурота» наслчилик заводлари узоқ йиллик тарихга эга. Бир пайтлар «Қизилча» наслчилик хўжалиги раҳбари Мирзан Нурбоев Москвадаги кўргазмада қатнашиб, «Волга» автомашинаси билан тақдирланганини кексалар фахр ила эслайдилар. Аммо бу хўжалик кейинги йилларда турли муаммолар ботқоғига ботиб қолди. Соҳа инқирозга юз тутгач, кўплаб билимдон мутахассислар бошқа ишга ўтиб кетишди. Янги авлод чўпонлари етишиб чиқишида узилиш бўлди.

Президентимизнинг 2017 йил 16 мартдаги «Чорвачиликда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори келгусида соҳада амалга ошириладиган ишларга туртки бўлди. Ҳозир Ҳазрат Қурбонов раҳбарлик қилаётган наслчилик МЧЖда 30 мингга яқин қоракўл зотли қўй, 500 бош насллли қўчқор, Оренбургдан келтирилган тивит зотли 2000 бош эчки, шунингдек, 100 та от ва қорамол боқиляпти. 72 та отарнинг жойлашуви турлича. Қўзибойқудук ва Чуқуркудуқ отарлари шундоққина Айдаркўл ёқасида. У ердан Оқтов ва Қоратов кенгликлари, ҳатто жуда баланд чўққидаги Лангар қишлоғининг телеминораси худди кафтдагидек кўриниб туради. Ёнбошда чайқалаётган Айдаркўл эса денгизни эслатади.

Биргина Чуқуркудукда 100 та хўжаликка эга қозоқ биродарларимиз қадимдан кўним топишган. Улар чорва моллари билан ҳам, балиқ билан ҳам яхшигина тиллаша олишади.

Форишга чегарадош Сентоб ва Катта Эж яйловлари тоғли ҳудудда, Қизилқум тубидаги Қорақир отари эса 180 километр олисда. Бир пайтлар бу хўжаликда зар малларанг янги қоракўл қўйлар насли яратилган. Самарқанддаги қоракўлчилик ва чўл экологияси институти олимлари Амонулла Иброҳимов ҳамда Амир Болтаев муаллифлигида кашф этилган бу зот Нурота қоракўлчилиги довруғини янада оширди. Гарчи иқлим ўзгаришлари Айдаркўл бўйларига ҳам салбий таъсир қилган эса-да, кенгликлардаги яйловлар имкон даражасида чорвага озиқ бўладиган ўсимликларга бой. Бу ерларда тоғпиёз, себарга бодом, туя ўти, қизилча, жувшон, янтоқ, эфемир ўсимликлари, қўнғирбош илдиз отган. Чўпонлар 92 минг гектар ерда чорва қишловини беталафот ўтказиб, баҳорги қўзилатиш мавсумига эсон-омон чиқиб олиш ниятида дала кезишмоқда.

– Қиш биз учун катта синов, – дейди кекса чўпон Чорикул Гулмуродов. – Муқаддам қиш оғир келган дамларни кўп кўрганмиз. Аслида унга тайёргарлик яхши ва имкониятлар етарли бўлса, чўпон ҳам, чорва ҳам қийналмайди. Халқимиз шуни назарда тутиб, «Тўққиз йилда йиққанинг тўқсонга етадими?», «Ой кўтонласа, айғир отингни миниб овга бор, кун кўтонласа, курагингни олиб қўйга бор», деган. Бинобарин қишнинг ҳар куни қиличли, биз доим унга тайёр туришимиз шарт!

### ЎРИНЛИ ТАКЛИФ

– Темирқовуқ Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманидаги Жомбулоқ, Мижғон, Оқмачит, Жўш қишлоқларини Айдаркўл ҳудудлари билан боғлайди, – дейди Ҳазрат Қурбонов. – Жомбулоқ иккисининг ўртасидаги 16 та қишлоқдан ўтадиган йўл тошлоқдан иборат. Ҳолбуки, у асфальтланиши лозим. Чунки бу йўлдан юрадиган ҳамюртларимиз жуда кўп. Қолаверса, Самарқандга келган сайёҳлар Айдаркўл бўйларини кўришга ҳавасманд бўлишади. Агар асфальтлаш ишлари амалга оширилса, улар Қўшработ ва Жомбулоқ орқали 16 километрлик йўлни кесиб ўтиб, тўғри Айдаркўл бўйларига чиқишади. Акс ҳолда, аввал Нурота шаҳрига бориб, кейин у ердан Қизилча орқали 130 чақиримлик йўл юриб, овора бўлишади ва ортиқча вақт йўқотишади.

Бизга қўшни Қўшработдаги Фозилмон кўлига, Абдуллахон тарихий сув омбори атрофларига борадиган туристлар сони кун сайин кўпаймоқда. Вилоятимизнинг олдинги ҳокими Эркинжон Турдимов ташаббуси билан Жўш ва Оқтош қишлоқлари оралиғидаги йўл асфальтланди, аммо Жомбулоқ ва Темирқовуқ тош йўли негадир эътибордан четда қолди. Ҳолбуки, сўнгги пайтларда Қўшработ туманининг Сумбул, Жилотамғали, Жомбулоқ қишлоқлари аҳолисининг темирқовуқликлар билан савдо алоқалари ҳам анча мустаҳкамланмоқда. Шунингдек, Тошкентга бориш ва келиш учун Темирқовуқ ва Қизилча орқали ўтадиган йўловчи машиналар оқими кўпаймоқда. Зеро, бу йўл машиналар кеча-ю кундуз қатнашга ярайдиган даражада таъмирланса, пойтахтдан чиққан йўловчи Нурота ва Қўшработга Жиззах – Темирқовуқ йўналиши орқали борса, тирбандликка дуч келмайди. Муҳими, у босиб ўтадиган масофа 150 километрга қисқаради.

Хуллас, бу йўл иккала вилоят аҳолиси узоғини яқинлаштириш, оғирини енгиллаштириш, туризм ва маҳаллий бозорлар савдосини ривожлантириш учун хизмат қилади. Шундай экан, Самарқанд ва Навоий вилоятлари ҳокимликлари ушбу масалага жиддий эътибор қаратишса, фойдадан холи бўлмасди.

### СЕНТОБ БАРЧАНИНГ НИГОҲИДА

Чорвачилик Нурота туманига туташ, Фориш билан чегарадош Сентоб қишлоғи аҳлига ҳам бегона эмас. Тоғли халқ азалдан шу юмуш билан шуғулланиб келган. Аммо эндиликда ҳаёт ва одамлар ўзгаряпти. Айниқса, туризм барча учун қизиқарли ва сердаромад соҳага айланяпти. Бу борада Сентоб, Соб, Катта Эж, Кичик Эж, Сумбулоқ қишлоқларида анъанавий удумлар, каштачилик, пазандалик, халқ ўйинлари, миллий колоритдаги меъморчилик, тош деворлар сақланиб қолгани муҳим аҳамият касб этиши тайин. Ҳаммасиданам эътирборлиси, табиатнинг тозалиги ва тоғ манзараси. Шу боис фахрий туризм фаоли Бекмурод Омонов янги-янги ташаббуслар билан чиқяпти. Натижада қишлоқда 20 тага яқин «хостел» уйлар пайдо бўлди. Унинг бошқа ҳамқишлоқлари туризм билан шуғулланишяпти. Хорижликларга маҳаллий чўпонларнинг оддий яшаш тарзи ҳам қизиқ туюляпти. Агар биз айтган Жомбулоқ –Темирқовуқ ўртасидаги 16 километрлик йўл асфальтланса, Сентобга Самарқанддан келаётган сайёҳлар сони янада ошишига шубҳа йўқ.

### ЙЎЛДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР

Сафардан қайтаётиб бундан анча йил олдинги бир манзара ёдимга тушди...

Ўшанда Темирқовуққа меҳмон келса, кирадиган ошхона йўқ эди. Чорвадорлар кайфияти ҳам ҳаминқадар, ойлик маошлар вақтида берилмасди. Бугунги янгиланишлар бошида эса Янги Ўзбекистон раҳбари турибди. Очиқлик, муаммоларни яширмаслик, уларни иссиғида ҳал этиш, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорга йўл бериш, қўллаб-қувватлаш турмуш фаровонлигини оширди. Бугунги кунда Темирқовуқ бинойидеккина шаҳарни эслатади. Ундаги замонавий оилавий поликлиника шаҳардагидан асло қолишмайди. 100 ишчи ўринли тикувчилик корхонаси, янги замонавий савдо мажмуалари, ошхоналар мунтазам ишлаб турибди. Нурота ва вилоят маркази Навоий шаҳрига кеча-кундуз автоуловлар тайёр. Яна денг, дунёнинг ривожланган мамлакатларидан туристлар оқиб келяпти. Бизнингча, бу кунларнинг қадрига етмоқ керак.

Инсон қадри улуғланаётган бу кенгликларни қизилчалик марҳум шоир Муҳаммад Ражаб бир пайтлар шундай деб таърифлаганди:

***Тоғлар кийди гулдор кўйлагин,***
***Сойлар сўйлар ажиб эртагин...***



**Ўлжабой ҚАРШИБОЙ,**
*журналист*

**MUASSIS:**
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay’ati raisi), Ulug‘bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G‘OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari), Mehriddin SHUKUROV (Mas’ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

**Bo‘limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog‘iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Navoiy viloyati –** (+998-90) 500-05-12
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-93) 213-09-66
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg‘ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** A. Haydarov
**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, U. Xudoyberganova
**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 19:50
**Topshirildi –** 20:20

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 32 427 та**

**Shundan:**
**6 246 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
**18 273 nusxasi** «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
**7 908 nusxasi** «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda **chop etildi.**

**Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига босмахона масъул.**

**Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
**Buyurtma G-211**

1 2 3 4 5 6

Азиз газетхон!
Мароқли дам олинг!



*Ботинолмай эшик қоқишга,*
*Келганимдан хабар беришга,*
*Сенга севгим изҳор этишга,*
*Остонангда турибман, жоним.*

*Ортиқ Отажонов ижросида*
*«Остонангда» қўшиғи*

Пўлат Назаров шеъри